

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## **192** Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 24 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 апрелдан кучга кирилади.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 4 март,  
4/5-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
4 мартдаги 4/5-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган  
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадан «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банднинг олтинчи хатбошисидан «ундаги» деган сўз чиқариб ташлансин.

3. 3-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек миждоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат)нинг нусхаси уларнинг юридик йиғмажилдида сақланади. Банклар тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳисобварақ очиш ва уларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда идентификация қилишлари учун зарур бўлган маълумотларни «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими»дан оладилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган норезидент юридик шахсларнинг (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси ва унга киритилган ўзгартиришлар, таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси, бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек миждоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати

(паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат)нинг нусхаси миждознинг юридик йиғмажилдида сақланади.»;

5. 12-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;

в) миждоз номидан пул-ҳисоб-китоб хужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган хужжат). Шахсини тасдиқловчи хужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.».

6. 36-банднинг биринчи хатбошиси «Девонхона» деган сўздан кейин «, «Маълумотлар учун», «Гувоҳномалар учун»» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 39-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган норезидент юридик шахсларнинг (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) таъсис хужжатларида (таъсис шартномасида, уставда) кўрсатилган маълумотлар (муассислар, аъзолар ёки бошқа маълумотлар) ўзгарган тақдирда, улар таъсис хужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхасини банкка тақдим қилади.».

8. 2-илова «М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(муҳр мавжуд бўлганда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.